ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

39 (589)

2007 йил 26 сентябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Суҳбати «сирли» устоз
▶ Костя Цзю мухлисларни қувонтирди

3
▶ Иймони бутун иснодга қолмас!
▶ Одамлардан оқибат кўрган одам

4
▶ «Бувам, момом ва мен...»
▶ Ўргимчакка «ўхшайдиган» одам

Тошкент шаҳри

Анжуман

ОАВ: 16 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ ТАҲЛИЛИ

Куни кеча пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Журналистлар ижодий уюшмаси қўмагида "Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш — миллий тараққиётнинг устувор вазифаси: мамлакат оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар" мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, марказий, ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мазкур йўналишда белгилаб берилган вазифаларни бажаришда оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раҳбари Ф.Абдухоликов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Ж.Ҳакимов мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишдек масъулиятли жараёнда миллий матбуотни янада ривожлантириш, унинг фаолиятини эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

МУХБИРИМИЗ

Нон – ризқ-рўзимиз

ҚАЛБ ҚЎРИДАН ЯРАЛГАН НЕЪМАТ

Етти иқлимга машҳур Самарқанд нонлари фақат Конигил тупроғидан тайёрланган тандирларда ёпилади

Самарқанд заминига қадам қўйган одам борки, унинг бетакрор нонларидан харид қилади. Қадимий ва ҳамиша навқирон бу шаҳарнинг нафақат осори-атиқалари, муаззам обидалари, балки санъаткорона тайёрланган нонлари ҳам кишини ҳайратлантиради. Бир неча минг йиллик тарихга эга новвойлик касбини эъзозлаб келаётган уста ҳунармандлар ҳар бир меҳмон қаршисига нон билан пешвоз чиқишдан чарчамайди.

— Довруғи етти иқлимга кетган Самарқанд нонлари асосан бизнинг маҳалламизда тайёрланади, — дейди Самарқанд туманидаги Галаосиё маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сурайё Ашурова. — Сиёб ариғи бўйида бир пайтлар кўплаб тегирмонлар бўлгани боис маҳалламиз Галаосиё ("кўп тегирмон") деб номланган. Маҳалламизда ота-боболаридан мерос ҳунарни эъзозлаб келаётган новвойлар яшайди.

Дарҳақиқат, тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳалланинг 120 дан ортиқ хонадонида каттаю кичик, эркагу аёл новвойлик билан шуғулланади. Биров ун элайди, биров сув тайёрлайди, биров хамир қоради, яна биров бежирим шакллар бериб нон ясайди.

— Мен 15 ёшимдан бери нон ёпаман, — дейди Илҳом Ҳамроқулов. — Бу касб бизга бувимиздан мерос. Болалигимиздан новвойликнинг машаққату завқли онларини кўриб келяпмиз. Тонг саҳарда ширин уйқудан кечиб, хамир қориш, ярим соат, бир соат унга ишлов бериш, иссиқ тандир олдида соатлаб тик оёқда туришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аммо тандирдан қип-қизил, ялтираб турган нонни узганингизда чарчоқлар унут бўлади. Айниқса, дунёнинг қайсидир бир бурчагидан келган ажнабий сиз пиширган неъматга ҳайрат билан боқиши ва уни Самарқанддан энг азиз совға, деб олиб кетиши, тўй-маъракаларда меҳнату машаққатингиз эвазига тайёрланган нонинг дастурхонга кўрк бериб турганини кўриш ҳар бир новвойнинг бахти. Бугун ёнимда туриб менга кўмаклашаётган фарзандларимга ҳам шундай туйғулар йўлдош эканига ишонаман.

Ҳар бир фаслга қараб нон тайёрлаш жараёни ўзгаради, яъни ёзда ёки қишда хамир қориладиган сув таркиби ўзгартирилади ёки хамирга ишлов бериш, тандирга ўт қалаш, ҳаммаҳаммасининг ўзига хослиги бор. Самарқанд нонлари фақат Конигил тупроғидан тайёрланган тандирда пиширилади. Шу боис ҳар бир новвой ёзда битта тандир ясатиб, керакли ўтинни жамғариб қўяди.

— Бугунги осуда кунлар учун минг карра шукрона қилишимиз керак, — дейди 93 ёшли кекса новвой Қиммат ая Баҳриева. — Нонни қўя туринг, ҳатто бир ҳовуч ун, дон топиш амри маҳол бўлган даврларни бошдан кечирганмиз. Фарзанди, яқин кишиси очликдан жон таслим қилаётганда бир бурда нон топиб беролмай, зор қақшаган оналарни кўрганман. Айтаверсанг, ҳозирги ёшлар эртакдек қабул қилади бу гапларни. Илоҳим, у кунлар эртак бўлиб қолсин. Оқми, қорами, юмшоқ ёки қаттиқми, ҳаммаси ҳам нон-ку, уни яратишга қанча одамнинг меҳнати сингган. Ҳар тонгни хотиржамлик билан, нон тўла дастурхон атрофида қаршилашнинг ўзи бахт эмасми?!

Новвойлар маҳалласидан қайтарканмиз, Самарқанд шаҳри остонасидаги катта бекатда нон харид қилаётган инсонларнинг ҳаяжонларига яна бир карра гувоҳ бўлдик. Улардан бири, бухоролик Фароғат опа бундай деди:

— Ўтган куни Тошкентда яшайдиган қизимникига боришда ҳам Самарқанд нонидан олиб кетгандим. Уйларига нур кириб боргандек хурсанд бўлишди. Эрта-индин ўғлимни ҳарбий хизматга кузатамиз. Қариндош-уруғлар жам бўлади. Яхши ният билан яна Самарқанд нонидан оляпман. Насиб этса, ўғлимга тишлатиб, уй тўрига осиб қўяман. Ҳар кўрганимда ўғлимнинг ризқи бутун бўлишини тилайман. Ҳидини дунёда ҳеч бир хушбўйликка менгзаб бўлмайдиган мана шундай неъматнинг борлигига шукр.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти

Мавсум

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Вилоят деҳқонлари жорий йилда 115 минг гектар майдонда ғўза парваришлаб, тўпланган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, қисқа фурсатда йиғиб-териб олиш тараддудини кўрмоқда.

"Матлуботсавдо" акциядорлик жамияти бошқа тузилмалар қатори миришкорларга хизмат кўрсатиш мақсадида ўттизта кўчма дўконни далага чиқарди.

— Мавсумда қўли қўлига тегмай меҳнат қилаётган деҳқонлар ва уларга кўмаклашаётган ҳашарчиларга юқори даражада савдо хизмати кўрсатилади, — дейди вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик жамияти раиси Алишер Пўлатов. — Туман ҳокимликлари ҳамда фермер хўжаликлари буюртмалари асосида жойларда умумий овқатланиш шохобчаларини ҳам ташкил этяпмиз. Қишлоқ хўжалиги ва нон маҳсулотлари узлуксиз етказиб берилади. Айниқса, Қува, Бешариқ, Олтиариқ туманларида бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғини Дангир маҳалласи маслаҳатчиси Муҳаббат Зокирова ҳар мавсумда маҳалладошларини теримга чорлайди. Илғор теримчи сифатида ўзи барчага ўрнак.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Хоразм вилояти

Яқинда Хивада "Қадимги Хоразм маданияти" деб номланган халқаро фестивал бўлиб ўтди. Хива бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирга йигирмадан зиёд хорижий мамлакатлар вакиллари ташриф буюрди. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Германия немис халқ ассоциациясининг Ўрта Осиё ваколатхонаси, Германиянинг ривожланишга кўмаклашиш ташкилоти Ўрта Осиё ваколатхонаси, Хива тумани ҳокимлиги фестивалнинг юксак савияда ўтишига ташкилотчилик қилди.

КЎҲНА АРКда катта ФЕСТИВАЛ

Фестивалда "Ичон-қалъа" музей қўриқхонаси бўйлаб ҳунармандлар кўргазмалари, Хоразм заминида етиштирилаётган табиат ноз-неъматлари ярмаркаси ташкил этилди, рассомлар асарлари намойиш қилинди. "Буюк ипак йўли" рамзий карвони фестивал ўтказиладиган Кўҳна Арк майдонига кириб келди. "Бешик тўйи", "Лечак тўйи", "Келин салом" каби қадимий маросимларимиз намойиш этилган давраларда меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳаваси тўлиб-тошди. Саховатпеша инсон, Ичон-қалъа маҳалласи оқсоқоли, "Арқончи" хусусий меҳмонхонаси раҳбари Собиржон Ҳасанов беш нафар кичкинтойнинг суннат тўйини ўтказиш тантанасига бош-қош бўлди. Огаҳий номли вилоят мусиқали ва драма театри етакчи актёрлари саҳнада Хоразм ўтмишини гавдалантирдилар. Хивага 47 йил хонлик қилган Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг санъат ва маданиятга раҳнамолиги ифода этилган саҳна кўриниши барчада катта қизиқиш уйғотди. "Хива наволари", Қорақалпоғистон Республикасидан келган "Жило" фольклор ансамбллари жамоалари, вилоят қўғирчоқ театри қизиқчилари ҳамда таниқли хушовоз хонандалар, раққосаларнинг чиқишлари ҳам фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

А.САФОЕВ

Хисобот-сайлов конференцияларида

РАИСЛАР ҲИСОБ БЕРДИ

Аввал хабар қилганимиздек, жойларда "Маҳалла" жамғармаси бўлимларининг беш йиллик фаолияти муҳокамасига бағишланган ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Эътироф этиш жоизки, ўтказилаётган ушбу йиғилишларда кун тартибида турган асосий масала ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, мавжуд камчилик ва муаммолар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашдан иборат бўляпти. Эътиборли жиҳати, жамғарма бўлимлари томонидан амалга оширилган хайрли ишлар самараси, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирларида яққол кўзга ташланади. Мазкур ҳисобот-сайлов конференцияларида сўзга чиққанлар шу каби жиҳатларга алоҳида тўхталиб, "Маҳалла" жамғармаси бўлимларининг ўзгалар ёрдамига муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашдаги ўрни ва ҳиссасини юқори баҳоламоқда.

Давоми 2-саҳифада

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

"Ўзкўргазмасавдо" республика савдо ярмаркаси марказида Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида ICTExpo-2007 ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида янги ахборот технологияларини қўллаш жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти экани таъкидланди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз бу борада улкан ютуқларга эришди. Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати бевосита мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига қаратилган.

Жорий йилда ICTExpo-2007 бир вақтнинг ўзида икки шаҳар — Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтмоқда. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ёрдамида Тошкент ва Самарқанд ўртасида видеоконференц-алоқа ўрнатилди. Кўргазманинг иккинчи кунида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўрнатилган телекўприк орқали самарқандлик ёш шахматчилар билан тўртта шахмат тахтасида бир вақтда ўйин намойиш этади. Бу мамлакатимиз телекоммуникация тармоғи юқори даражага кўтарилганининг яна бир яққол далилидир.



ICTExpo-2007 кўргазмасида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, тизимли интеграция, қайд этиладиган ва мобиль алоқа компаниялари, интернет-провайдерлар, телекоммуникация ва компьютер ускуналарини ишлаб чиқувчилар ҳамда етказиб берувчилар ўз маҳсулотини намойиш этмоқда.

Тошкентдаги кўргазмада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бизнес-ҳамжамият вакиллари, ҳокимият органлари ва аҳолининг кенг қатлами учун мўлжалланган барча мавжуд ҳамда истиқболли хизмат турлари тақдим этилган. Самарқандда видеоэкран орқали ахборот-коммуникация соҳасига ихтисослашган 100 га яқин компания ва фирма ўз павильонларида кенг турдаги товарлар ва хизматларни тақдим этганини кўриш мумкин.

Кўргазмада ўз маҳсулотини намойиш этаётганларнинг аксарияти кўргазма ташкилотчиси бўлган нодавлат нотижорат ташкилот — янги ташкил этилган Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси аъзоларидир. Тошкентдаги кўргазмада мамлакатимиз ва чет эллик 100 нафардан ортиқ иштирокчи жаҳонда 300 дан зиёд техника ҳамда технологиялар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини таклиф этмоқда.

Кўргазмада ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар кенг омма эътиборига ҳавола этилмоқда. Улар орасида рақамли илғор технологияларни қўллайдиган Cisco, D-Kink, Zuxel, Patton каби машҳур ишлаб чиқарувчи-фирмалар ускуналари базасида маълумотлар узатиш тармоғининг мамлакатимиздаги етакчи операторларидан бири Sharq Telekom компанияси ҳам бор. Sharq Telekom Интернет тармоғидан фойдаланиш, телефония, маълумотлар узатиш тармоғи, карточкали платформа, Wi-Fi технологияси (Интернетдан симсиз фойдаланиш) ва бошқа хизматларни ўз ичига олган 15 турдаги хизматни таклиф этган.

Россиянинг Softline International компанияси бир неча йилдан буён Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият юритиб, лицензияланган дастурий таъминотни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Республика товар-хомашё биржаси, "Тошкент" фонд биржаси, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, "ЎзДЭУавто", Initel масъулияти чекланган жамияти, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси каби 200 дан ортиқ компания унинг мижозлари ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кўргазма мажмуи ҳудудида Интернетдан wi-fi технологияси бўйича фойдаланиш ташкил этилган. Бўлажак харидорларни товар ва хизматлар қизиқтирса ва бу борада қийинчиликлар юзага келса, улар ўз офиси, ҳамкорлари билан тезкор ҳамда осон боғланиб, маслаҳатлашиши, масалаларни муҳокама қилиши мумкин.

Уч кун давом этадиган кўргазма дастурида кенг кўламли ахборот-коммуникация масалалари бўйича илмий-техник конференциялар, давра суҳбатлари, тақдим этиладиган дастурлар трансляциясини ўтказиш, соҳадаги энг сўнгги ютуқларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда электрон рақамли имзони оммалаштириш ва кенг доирадаги фойдаланувчиларни янги технологиялар билан таништириш мақсадида ICTExpo-2007 кўргазмаси доирасида Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази томонидан электрон рақамли имзо калитлари ҳамда калитлар сертификатларини бепул бериш бўйича танлов ўтказиш режалаштирилган. Бир ой давомида махсус сайтда ўтказиладиган ушбу танловда хоҳлаган киши иштирок этиши мумкин. Барча саволларга тўғри жавоб берган дастлабки юз иштирокчи (ғолиблар) Рўйхатга олиш марказидан электрон рақамли имзо калити ва калит сертификатини бепул олиши мумкин. Танлов саволлари "электрон рақамли имзо" мавзуси билан боғлиқ.

Кўргазмага ташриф буюрганлар бошқа кўплаб таълим ва маърифий тадбирларда иштирок этиши мумкин. Бундан ташқари бу ерда махсус геймер ҳудудлар ва action-zone ишлаб турибди. Кўргазмада геймер турнири ҳам бўлиб ўтади.

Намойиш этилаётган кўргазма кенг жамоатчиликка Ўзбекистонда ахборот ҳамжамиятини шакллантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан танишиш имконини беради. Шубҳасиз, ICTExpo-2007 кўргазмаси республикамиз IT-бозорини янада ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ҳамда мустаҳкам амалий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейсиз?

— Самарқанд нонини тайёрлашнинг ҳам ўз сири бор экан.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Самарқанд вилояти

Кўрик-танлов давом этади

МАҲАЛЛАЛАР ТАРИХИ ҚИЗИҚ

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида ўтказилаётган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ташкил этиш, маҳаллаларнинг тарихий хусусиятларини, номланиш тарихини ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо меросини асраб-авайлашда маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини тарғиб этиш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловнинг туман босқичларида ғолиб чиққан жамоалар белгиланган уч шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов натижаларига кўра, ўз маҳалласи тарихи ва бугунги ҳаётини чуқурроқ ўрганган, унинг урф-одатлари ва қадриятларини турли мусиқий чиқишлар ва саҳна кўринишлари орқали намойиш этган Самарқанд шаҳридаги Янги Хайробод маҳалласи биринчи ўринга лойиқ топилиб, республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди. Иштихон туманидаги Қулман Беканов номли ва Ургут туманидаги Гулистон маҳаллалари иккинчи, Пастдарғом туманидаги Мулла Мирза номли ҳамда Жомбой туманидаги Саричашма маҳалалари учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Рустам ҲАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Тошкент вилояти

Янгийўл шаҳридаги 10-мактабда ўз касбининг билимдони, фидойиси ҳисобланган ўнлаб тажрибали устоз-муаллимлар меҳнат қиладилар. Янги ўқув йилида мактаб биринчи синфга қабул қилинган 205 нафар ўқувчини ўз қучоғига олди.

СУРАТДА: *қарийб 36 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келаётган тажрибали муаллим Роза Жонбоева мактабнинг 1-синф ўқувчилари даврасида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ҲАМКАСБЛАРИДА ҲАВАС УЙҒОТГАН УСТОЗ

Ишдан шошиб қайтаётган Гулжамила опа ёнига келиб тўхтаган машинадан жилмайиб тушаётган собиқ ўқувчисини бир қарашдаёқ таниди. Йигит кўярда қўймай уни уйигача кузатиб қўйди. Гулжамила опа унинг изидан меҳр билан қараб қолар экан, хотирасида бир неча йил бурунги воқеалар жонланди...

Гулжамила опанинг синфидаги бир ўқувчи икки кундан буён на мактабга, на уйига келади. Бутун жамоа, маҳалла-кўй, ички ишлар ходимлари оёққа турган. Йўқолган ўсмир тарбияси оғир ўқувчилардан, гапга кирмас ва ўжар бўлса-да, аллақандай мунгли боқарди. Гулжамила опа уни бир неча бор гапга солиб кўрган, бироқ дилидагини билолмаган эди. Опа ички сезгиси билан ўсмирнинг узоққа кетмаганини билиб турарди. Шунинг учун эрталабдан у яшайдиган уй олдига бориб, атрофни зимдан кузата бошлади. Орадан бир неча соат ўтгач, ўсмирнинг томдан тушиб келаётганига кўзи тушди. Устозини кўрган бола жонҳолатда қоча бошлади. Икки кеча-кундуз тиним билмаган Гулжамила опада унинг ортидан югуришга мажол йўқ эди, атрофдагилардан ёрдам сўради. Опа қочоқ болакайни қучоғига олиб тинчлантиришга уринар экан, кўз ёшларини тия олмасди. Бола ҳам бошини устозининг кўксига қўйганча ўксиниб-ўксиниб йиғлади... Шу воқеадан кейин опа унинг оилавий аҳволи билан яқиндан танишди, ота-онаси билан суҳбатлашди, боланинг интизоми ва дарсларни ўзлаштиришини назорат қилиб борди. Мана, ўша қочоқ бола бугун билимли, ўқимишли йигит, тадбиркор, аҳил оила бошлиғи бўлибди. Бундай воқеалар опанинг кўп йиллик фаолиятида жуда кўп бўлган.

Юнусобод туманидаги 105-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаётган Гулжамила Аъзамхўжаева Халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи. 2004 йилда ўтказилган "Ижодкор ўқитувчи" республика кўрик-танлови ғолибаси, бир неча илмий-методик қўлланмалар муаллифи.

Умрининг 33 йилини ёш авлодга таълим-тарбия беришга сарфлаган Гулжамила опа ўқитувчининг вазифаси фақат ўқувчиларга дарс ўтиш ёки режада кўрсатилган ишларни бажаришдан иборат, деб билмайди. У ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топишга, дардини тинглаб, ёрдам беришга интилади. Унинг ўқувчилар билан ўтказадиган "очиқ суҳбатлар"и кўпчилик ҳамкасбларининг ҳавасини келтиради, бунга қандай эришиш мумкинлигини сўрашади. Шунда опа: "Сиз болаларни қанчалик севиб, тушунишга ҳаракат қилсангиз, улар ҳам сизни шунчалик севишади, ўзларига дўст деб билишади ва қувончу шодликларини баҳам кўришади", деб жавоб беради.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун Гулжамила опа адабиёт ва драма тўгараклари ишини йўлга қўйган. Шунингдек, ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда тумандаги Бодомзор маҳалласининг жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келади. Маҳаллада ўтказиладиган турли байрам ва тадбирлар опа ва унинг ўқувчиларисиз ўтмайди.

— Гулжамила опа ўз меҳнати туфайли маҳаллада обрў-эътибор қозонган, — дейди маҳалла оқсоқоли Шукур Умаров. — Маҳалламиздаги тадбирларни ўтказишда ўз ёрдамларини, маслаҳатларини аямайдилар. Хусусан, туман ҳокимлиги, "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ўтказилган "Аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда вазифалари" мавзусидаги тадбирда қилган маърузалари барчага маъқул бўлди.

Гулжамила опа турмуш ўртоғи билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Айни пайтда улар турли соҳаларда меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиб келмоқда. Бу оила бир неча бор маҳалланинг "Энг намунали оила"си деб топилган.

СУРАТДА: *Г.Аъзамхўжаева олиб борадиган тўгарак машғулотидан лавҳа.*

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Хомийлар бор бўлсин!

Қашқадарё вилояти

... Тақдир Тўйчибек билан Қурбонжонларни кўп синади. Энг катта кулфат ота-оналарининг барвақт ҳаётдан кўз юмганлари бўлди. Лекин маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар, саховатпеша кишилар улардан меҳрини, ҳимматини аяшмади.

МАҲАЛЛАга ҚЎШ КЕЛИН ТУШДИ

бу тўйни ўтказишда маҳалладошлар хайр-саховат намунасини кўрсатишди

Вақт оқар дарё мисоли шиддат билан ўтди. Ака-ука улғайиб, оила қуриш фурсати ҳам етди. Аммо йигитларнинг бунга имкон топиши мушкул эди. Улар бир қадар жасорат, бир қадар истиҳола билан ўзлари туғилиб ўсган Самарқанд маҳалласи оқсоқолига мурожаат этдилар: Ҳамишагидек, қийналганда бир-бирига елка тутувчи маҳалладошлар орасида ушбу хайрли тадбирга ҳисса қўшишни истаганлар кўп бўлди..

Маҳалла ҳудудида жойлашган "Қурбон ота" чойхонасининг саховатпеша раҳбарлари Гулсарахон ва Абдусатторжон тўйга ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олдилар.

Тўй дастурхони ёзилди. Келинлар — опа-сингил Гулнора ва Гулжаҳоннинг қариндошуруғлари, қуёвжўралар, маҳалладошлар, санъаткорлар сидқидилдан хизмат қилишди.

Янги оилаларга Қарши шаҳри ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини, 8-мактабгача таълим муассасаси, "Нейрон" хусусий корхонаси ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Э.ҚУРБОНОВ

Хоразм вилояти

ЙЎҚЛОВЧИ ҲАМ, ҚЎЛЛОВЧИ ҲАМ КЎП

меҳрга ташна болаларга ҳомийлар доимо ҳиммат кўрсатишади

Урганч шаҳридаги "Осиё" тўйхонасида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорликда ташкил этиб, шаҳар ва туманлардаги коллежларда таҳсил олаётган 123 нафар меҳрга ташна болаларга кийим-бош ва ўқув қуроллари тухфа қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони В.Пак, вилоят прокурори Б.Шомирзаев, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Й.Мадаминов ва бошқалар ушбу талабаларнинг ҳамиша эътиборда эканини таъкидлаб, уларга катта ишонч билдиришди.

Абдулла САФОЕВ

Хисобот-сайлов конференцияларида

РАИСЛАР ҲИСОБ БЕРДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Наманган вилояти

Бугунги кунда вилоятда 856 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритяпти. Ўтган беш йил мобайнида ана шу ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эҳтиёжманд фуқароларга 271,4 миллион сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди, моддий ёрдам сўраб мурожаат этилган 9058 та аризадан 8553 таси қаноатлантирилиб, муҳтожларга 68,1 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам ажратилди.

Вилоятда ишсизлар сонини камайтириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳокимликлар ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари, фаоллар билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг ҳисобот-сайлов конференциясида бўлимнинг ўтган беш йиллик фаолияти юзасидан маъруза қилган бўлим раиси Олимжон Нуриддинов ана шу ҳақда гапирди. Шунингдек, йиғилишда жамғарма тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

Конференция давомида бошқарув ҳайъати ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тузилиб, О.Нуриддинов жамғарманинг вилоят бўлими раислигига қайта сайланди.

* * *

Хоразм вилояти

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳудудда спортни ривожлантириш мақсадида жамғарманинг вилоят бўлими ҳисобидан 54,5 миллион сўм ажратилгани, юзлаб якка-ёлғиз, ногирон ва ёрдамга муҳтож фуқароларнинг уй-жойлари таъмирдан чиқарилгани, шунингдек, 467 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилингани шулар сирасидан.

Қолаверса, бўлим томонидан хайрия тариқасида ажратилаётган маблағларнинг бир қисми ногирон ва касалманд фуқароларнинг соғлиғини тиклаши учун сарфланяпти. Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида беминнат ёрдам кўрсатадиган ҳомийлару тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда "Камолот" ЁИҲнинг вилоят кенгаши ва бошқа муассасалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида қатнашган мутасадди раҳбарлар бўлим раиси Рустам Қутлимуродовнинг ҳисоботини тинглаб, юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватладилар. Конференция давомида бошқарув кенгаши раёсати ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тузилди. Р.Қутлимуродов эса бўлим бошқаруви раислигига қайта сайланди.

МУХБИРЛАРИМИЗ

Тошкент вилояти

БЕКОБОДДА БОКС КЕЧАСИ

Унда машҳур бокс устаси Константин Цзю ҳам қатнашди

"Фавзул-Мунаввар" спорт клуби ташаббуси ва "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлиги билан Бекобод шаҳрида Ўзбекистон, Россия ва қирғизистонлик чарм қўлқоп усталари иштирокида профессионал бокс кечаси ўтказилди.

Абдулазиз Матазимов, Асрор Сотиволдиев, Шерзодбек Мамажонов, Зоҳид Худойбердиев, Иқбол Қурбонов ва Ҳасан Умаров каби ёш боксчиларимиз беллашувларда муносиб иштирок этдилар. Боксчиларимиз россиялик Мамед Мамедов ва Александр Шедрин, қирғизистонлик Мақсудбек Акбаровни мағлуб этишди.

Бокс кечасига жаҳонга машҳур боксчилар — профессионал бокснинг суперенгил вазн тоифасида мутлоқ жаҳон чемпиони Константин Цзю ва жаҳон кубоги соҳиби Владимир Шиннинг шарафли меҳмон сифатида ташриф буюрганлари бокс мухлисларини ҳам, ёш спортчиларни ҳам беҳад қувонтирди.

Ўз ўрнида Константин Цзю Ўзбекистонда спортнинг бокс тури жадал ривожланаётгани, мамлакатимиз боксчиларининг маҳорати ва дунё бокс таснифидаги мавқеи юксалиб бораётганини эътироф этди.

— Юртимизда спортнинг исталган турини, жумладан, боксни тараққий эттириш учун барча имкониятлар яратилган. Ёш спортчиларимиз орасида иқтидорлилари ҳам етарли, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, "Фавзул-Мунаввар" спорт клуби президенти, промоутер Шуҳрат Ҳайдаров. — Бу каби беллашувлар, айниқса, дунёнинг таниқли бокс усталари билан юзма-юз учрашув ёш боксчиларимизни ўз устида тинимсиз ишлашга ундайди, ғалабага бўлган интилишини кучайтиради. Масалан, бугунги беллашувларда ёш боксчимиз Абдулазиз Матазимов мухлисларда ва бокс мутахассисларида жуда яхши таассурот қолдирди.

МУХБИРИМИЗ





СУРАТЛАРДА: *Константин Цзю ҳамда Шуҳрат Ҳайдаров ёш боксчилар ва бекободлик мухлислар даврасида; бекободлик ёш боксчимиз Абдулазиз Матазимовнинг россиялик рақиби Александр Шедринни нокаутга учратган пайти (чапдаги сурат).*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Муносиб тақдирланганлар

Андижон вилояти

БЕСАМАР ЎТМАГАН КУНЛАР

Саноат маҳалласининг бугунги кунда Пахтаобод туманидаги энг обод ва кўркам маҳаллалардан бирига айланишида фуқаролар йиғини раиси Каримали Ҳайдаровнинг катта ҳиссаси бор.

Маҳаллада гузар қуриш, аҳолининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун турли савдо шахобчаларини ташкил этиш, ҳар бир кўча ва хонадоннинг файзли бўлиши учун оқсоқол анча тер тўкди. Ҳозир маҳалла гузарида учта озиқ-овқат дўкони, қассобхона, кийим тикиш устахонаси ва ёғочга ишлов берувчи кичик корхона фаолият кўрсатмоқда.

Оқсоқол кам таъминланган оилаларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, баъзиларига махсус нафақалар тайинланишига, 17 та оиланинг имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашди. Жорий йилнинг бошидан бери 7 та оилага ҳомийлар томонидан бир бошдан қорамол ҳадя қилинди.

— Ҳар бир кунни бесамар ўтказмасликка ҳаракат қиламан, — дейди Каримали ака. — Эрта тонгданоқ бугунги режаларни хаёлимда «пишитаман». Бугун мени ташвишлантириб турган муаммолардан бири — бешта кўчага асфальт ётқизиш. Бунда яна маҳалла аҳлининг ташаббусига суянамиз.

Каримали Ҳайдаров мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармони асосида "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу мукофот уни яна ҳам ғайрат билан ишлашга, янги марралар сари интилишга ундаши шубҳасиз.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Фаолиятда фаол йигитлар

Тошкент шаҳри

ҲОМИЙЛАР – БУНЁДКОР

Маҳалламиз ҳудудидаги ўзим таҳсил олган 274-мактабда 27 йил давомида ўқувчиларга дарс бердим. Ишонч билан айтишим мумкинки, кейинги йилларда ҳудудимизда амалга оширилган эзгу ишлар маҳалламиз аҳлини янада жипслаштирди.

Жумладан, уч қаватли замонавий мактаб биноси, энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган маҳалла поликлиникаси ва гузарини кўриб, кўзимиз қувнайди. Энг аҳамиятлиси, маҳалла гузари ҳам, поликлиника ҳам ҳомийлар томонидан бунёд этилган.

Маҳалламизда тез-тез "Маънавият ва маърифат куни" ўтказилади. Таниқли олим, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, маънавий-маърифий кечалар, ахлоқий-ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар уюштирилади. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Юнус Ражабий уй-музейи, Фуқаро муҳофазаси институти, Марказий зобитлар уйи ва бошқа муассасалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ҳудудимизда "Энг намунали оила", "Мустақиллик ва маҳалла" танловларини ташкил этиш анъанага айланган. Маҳалламиздаги "Махсус либос" тикувчилик цехи ҳамда Ф.Саъдуллаев, С.Азимова, Ж.Юнусжонов, С.Алимов, Анвар ва Аброр Рихсиевлар, И.Иноғомов каби ҳомийларимиз томонидан иқтисодий ночор, кам таъминланган, кекса ва ногиронлар яшайдиган хонадонларга доимий равишда беминнат ёрдамлар уюштириб турилади.

Гулчехра КАРИМОВА, Юнусобод тумани Оқтепа маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Сурхондарё вилояти

ОРДЕНЛИ РАИСА

У доимо маҳалладошларининг қувончу ташвишларига шерик бўлиб келмоқда

Қумқўрғон туманидаги Ҳурриият маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Назира Юсупова хонадонига келин тушди. Янги келиннинг пойи қадами қутлуғ келди. Хонадонда тўй шодиёналари ҳали давом этаётган бир пайтда туман бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида турли соҳаларда ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан юртдошларимизга ўрнак бўлиб келаётган кишилардан бир гуруҳини давлатимизнинг юксак даражадаги орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармонида Назира Юсупова ҳам "Дўстлик" орденига муносиб кўрилибди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, катта имкониятлар яратилмоқда. Биз фақат ана шу имкониятлардан тўғри фойдаланишимиз, белни маҳкам боғлаб, ишга киришишимиз лозим. Меҳнатим билан эл-юртга фойдам тегаётган бўлса, ўзимни бахтли инсонлардан бириман, деб айтишим мумкин. Давлат мукофотига муносиб кўрилганим эса эл-юрт ривожи йўлида янада ғайрат билан ишлашим учун менга туртки беради, — дейди Назира Юсупова.

Назира Юсупова ўрта мактабни тугатиб, Термиз Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Ўттиз йил давомида 27-сонли ўрта мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ берди. 1995 йили кўп йиллик меҳнатлари учун "Халқ таълими аълочиси" унвонига сазовор бўлди. Назира опа пенсияга чиққач, фарзандлар ва набиралар қуршовида ўтираман, деб ўйлаган эди. Бироқ маҳалладошлари уни ўзларига раис этиб сайлашди. Опа дастлаб бу ишонч-ни оқлай олармиканман, дея бироз чўчиган ҳам эди, лекин ишга киришиб кетгач, маҳалладошларининг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшиб яшаш нафақат хайрли, балки роҳатбахш юмуш эканлигига амин бўлди.

Маҳалладаги турли тадбирларни ўтказишда, айрим муаммоларни бартараф этишда Назира опа фермер ва тадбиркорларнинг беминнат кўмагига таянади. Пайти келганда маҳалла раисаси ҳам улардан ёрдамини аямайди. Мавсумий дала ишлари бошланганда ёки ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш даврида аҳолини кўмакка чорлаб, фермерларнинг мушкулини осон қилади. Айни пайтда маҳалла ҳудудида 10 та фермер хўжалиги мавжуд.

Маҳалла гузарида 11 та савдо дўкони, 7 та тегирмон, битта пахта титиш корхонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида янги ишга туширилган корхоналар ҳисобига 32 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Умумхалқ ҳашарлари ва оммавий тадбирларда маҳалланинг каттаю кичиги Назира опа бошчилигида баҳамжиҳат иштирок этади. Маҳалла аҳолиси табиий газ ва тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган.

Маҳалла ҳудудидан Тошкент — Душанбе халқаро темир йўли ва катта автомобиль йўли ўтган. Бу икки йўл оралиғидаги узунлиги қарийб 3 км, кенглиги 45-50 метр бўлган ер қаровсиз ҳолда ётар эди. Назира опа ана шу майдонни ободонлаштириш ташаббуси билан чиққанида аҳоли уни қўллаб-қувватлади. Ер одамларга бўлиб берилди. Эндиликда бу ерда катта боғ ва гулзор барпо этилган.

Маҳаллада кам таъминланган оилаларга, якка-ёлғиз фуқаролар ва етимесирларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Уларга ҳар ойда ҳомийлар томонидан ижтимоий ёрдам ажратилади.

— Маҳалламиздаги тинч-осойишта ва фаровон ҳаётни таъминлашда фуқаролар йиғини ҳузурида иш олиб бораётган ёшлар билан ишлаш, яраштириш, урф-одат ва маросимларни ўтказиш, ободончилик, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари аъзоларининг ҳам ҳиссаси катта, — дейди Назира Юсупова. — Фуқароларимизнинг фаоллигини ошириш, маданий дам олишларини ташкиллаштириш мақсадида "Ибратли оила", "Иффатли келин", "Намунали хонадон" каби турли кўрик-танловларни мунтазам равишда ўтказиб турамиз.

Дарвоқе, маҳалла ўзининг футбол жамоасига ҳам эга. Ўтган йили ҳурриятлик футболчилар маҳаллалар ёшлари ва ўсмирлари ўртасида ўтказилган "Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида иштирок этиб, пешқадамлар сафидан ўрин олишди.

Назира Юсупова ибратли оила бекаси, меҳрибон она ҳамдир. Турмуш ўртоғи Юсуф Исмоилов билан биргаликда уч ўғил ва икки қизни тарбиялаб, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказишди.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Йил дастури ижроси — амалда

Тошкент шаҳри

Мен II гуруҳ ногиронман. Ўғлим билан пойтахтнинг Юнусобод тумани Умид маҳалласидаги кўпқаватли уйларнинг бирида яшаймиз. Тақдирнинг кечмишини қарангки, мен қариб, кучдан қолган ва ўзим бировнинг парваришига муҳтож пайтимда ақли заиф ўғлимни парваришлаб яшамоқдаман.

БУ ЭЛдан кўрганим ЯХШИЛИК бўлди!

Она эканман, фарзандим учун ҳар қанча заҳмат чекишга розиман. Лекин атрофингда ширин сўзи билан далда берадиган, беминнат кўмаги билан тиргак бўладиган кишилар бўлмаса, бу заҳматларни кўтариш оғирлик қиларкан кишига. Бахтимизга биз яшаётган маҳалла мутасаддилари, қўни-қўшниларим олижаноб, саховатпеша кишилар. Маҳалла йиғини ходимлари муҳим саналар, байрамлар арафасида биз каби бева-бечораларни совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан йўқлаб туришади. Булардан ташқари, Юнусобод тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳам моддий кўмак кўрсатиб келинмоқда. Мен бунинг учун мутасаддиларга, энг аввало Юртбошимизга раҳмат айтаман, чунки бева-бечораларни, етим-есиру эҳтиёжмандларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш лозимлигини у киши ҳар бир нутқларида, маърузаларида алоҳида таъкидлаётганларини доимо эшитиб бораман.

Ўзбек халқида инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби фазилатлар ҳамиша устун бўлган. Буни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг беваси, меҳнат фронти фахрийси сифатида комил ишонч билан айта оламан. Шу заминда кечган ҳаётим давомида одамлардан кўрганим фақат яхшилик бўлди. Масалан, қўшнимиз Искандарбекни олайлик: ўзининг беш нафар фарзанди бор, катта рўзғорнинг иссиқ-совуғидан орттириб, бизга ҳам ёрдам бериб туради. Ички ишлар тизими ходими Шуҳратбек эса ногирон ўғлимга доимо мурувват кўрсатади, раҳмат айтсак, "Сизлар эл-юртимиз тинч бўлсин, деб дуо қилинглар. Юртимизнинг тинчлиги биз учун олий мукофот", дейди. Шуҳратбекка ҳамкасб бўлган яна бир қўшнимиз Абдувосиқ эса уч йилдан буён коммунал тўловларимизни тўлашда ёрдам беряпти.

Ана шундай меҳр-оқибатли кишиларнинг кўмаги туфайли турмуш ташвишларини енгиш осон. Энг муҳими, номлари келтирилган яхши инсонларнинг меҳр-оқибатидан баҳраманд бўлаётган биргина мен ва ўғлим эмас. Ўнлаб кексалар, ногиронлар бу инсонларнинг эътибори, саховати туфайли қариганда қадр топганларига шукроналар айтиб яшамоқдалар. Зеро, инсон зоти энг аввало меҳрга ташна бўлар экан. Моддий рағбат эса ўша меҳрнинг мингта ифодасидан бири, холос. Кечаю кундуз Ўзбекистонимизда мудом тинчлик, осойишталик бўлишини тилаб, дуолар қиламан ва мен каби дуогўйлар юртимизда минглаб эканига, дуоларимизнинг ижобат бўлишига чин дилдан ишонаман.

Таскира ХАБИБУЛЛИНА

Самарқанд вилояти

ЙИҒИНДА ЙИҒИЛГАН ТЎЛОВ

йиғинга даромад учун имкон, коммуналчи ва истеъмолчига эса қулайлик туғдиряпти

Мамлакатимизда ҳар бир йилга ўзига хос ном бериш анъанаси мавжудлиги ва бундай номланиш йил давомида бажарилажак хайрли ишлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини барчамиз яхши биламиз.

Нарпай туманидаги мавжуд 56 та маҳалла, 9 та қишлоқ ва битта шаҳарча фуқаролар йиғинлари ҳам миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва бойитишга, кам таъминланган оилалар, ногирон, етимлар ва ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга муносиб улуш қўшиб келяпти.

Маҳалла ишини тўғри йўлга қўйиш учун аввало бу тизим ходимлари фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратиш лозим. Шуни назарда тутиб, туманимизда 2003 йилнинг ўзида ҳашар йўли билан 7 та янги маҳалла маркази қуриб, фойдаланишга топширилган эди. Бундан ташқари, тугатилган ширкат хўжаликлари тасарруфида бўлган бўш бинолардан 25 таси ҳам маҳаллалар ихтиёрига ўтказилди. Маҳалла идораси бинолари зарур жиҳозлар, керакли адабиётлар билан таъминланди. Ҳар бир йиғин идорасида маҳалла маслаҳатчилари учун алоҳида хона ажратиб берилди. Бу ўз навбатида бўлинмамиз ходимлари билан фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ва фаолларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари учун қулайлик яратди.

Туманимизда "Энг обод маҳалла", "Энг намунали хонадон", "Энг обод қишлоқ", "Соғлом оила", "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" каби турли кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинади. Олти ўғил ҳамда Амир Темур номли маҳаллаларимиз нафақат туман, балки вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда ғолиблар сафидан ўрин олмоқда.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни маҳалла тизими орқали амалга ошириш самарали усул эканлиги амалда синалган. Туманимизда байрам ва муҳим саналар арафасида 600 нафардан зиёд ана шундай кишилар ҳолидан хабар олиб турилади. Хусусан, мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида эҳтиёжманд фуқароларга тегишли 1240 кв.м турар-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланиб, эҳтиёжмандларга 2.8 млн. сўмлик туҳфалар улашилди.

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизлик муаммосини биртараф этиш масаласи ҳам диққат марказимизда. Фуқароларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда маҳаллаларда ташкил этилган тикиш-бичиш, халқ ҳунармандчилиги, зардўзлик, қандолатчилик, мебелсозлик цехларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айни пайтда туманимизда икки минг нафардан зиёд тадбиркор фаолият юритяпти.

Шунингдек, аҳоли ўртасида электр энергияси ва табиий газдан фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада фуқаролар йиғинлари таъминотчи идоралар билан шартнома тузган. Бунга кўра, фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун аҳолидан тўловлар маҳаллалар кўмагида ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олинса, корхона томонидан йиғинларга маълум миқдорда улуш ажратилади. Хусусан, туманимизда жорий йилнинг май ойидан ҳозирга қадар тўловларни ундириш 120 фоизга бажарилди. Йиғилган маблағнинг 10 фоизи ҳисобидан маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий техника базаси бойитилиб, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам бериб келинмоқда.

Ҳа, демократик жамият қуриш учун интилаётган мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига катта ишонч билдирилган. Ана шу ишончни оқлаш маҳалла тизимида фаолият юритувчи ҳар бир ходимга катта масъулият юклаши шубҳасиздир.

Иброҳим ИСОҚУЛОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Нарпай тумани бўлинмаси раиси.

Олам турфа

ТИРИЛГАН "МУРДА"

Венесуэлалик Карлос Камехо автомобил ҳалокатига учраб, ўлиқхонада патологоанатомлар танасини ёриб, тиббий кўрикдан ўтказмоқчи бўлишганида ҳушига келди.

Шифокорлар "мурда"нинг юзидаги жароҳатни тикишаётган пайтда бирдан у кўзини очиб, ўрнидан туришга ҳаракат қилади.

Карлос Венесуэланинг "El Universal" газетасига берган интервьюсида докторлар унинг жароҳатини хушсизлантирувчи воситасиз тикишгани боис қаттиқ оғриқдан хушига келганини айтган.

Кейин маълум бўлишича, ҳалокат юз берган жойга етиб келган қутқарув хизмати ходимлари ҳамда полициячилар Карлосни ўлиб қолган деб, ўлиқхонага жўнатиб юборишган экан.

Ҳозирда К.Камехо шок ҳолати ва олган жароҳатларидан бутқул тузалди. Ушбу мудҳиш воқеадан эса унинг ўлими ҳақидаги гувоҳномагина эсдалик бўлиб қолди.

ЎЗ КАСБИ ЁҚМАЙДИ, ЛЕКИН...

Афинанинг ижтимоий тадқиқотлар миллий маркази ўтказган сўров натижаларига таяниб, аниқ айтиш мумкинки, Грейция аҳолисининг аксарияти ўз касби ва бажараётган ишини севмайди.

Фикри сўралганларнинг қарийб 60 фоизи ўзининг ҳозирги ишини бажонидил ўзгартиришини таъкидлаган. 15 фоизи эса бажараётган ишига умуман тоқати йўқлигини айтган.

Шуниси қизиқки, грекларнинг қадрлайдиган нарсаси иш ҳаққи эмас экан, улар хизмат пиллапоясидан кўтарилишни биринчи ўринга қўйишади. Иккинчи ўринда иш вақтининг қулай бўлиши, учинчи ўринда эса иш ҳаққи туради.

Суннатулла ВАҲОБОВ тайёрлади.

Фарғона вилояти

«МУЛГОН» маҳалладошлар хизматида

Сўх туманида бугунги кунда ўнта замонавий қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. "Сариқанда", "Демурсад", "Ғазвон" қишлоқ врачлик пунктлари янги лойиҳалар асосида барпо этилган.



Тумандаги "Мулгон" қишлоқ врачлик пункти беш минг нафардан ортиқ фуқарога тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Мазкур тиббиёт масканимиз "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири А.Аҳмедов. — Жамоамиз бугунги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тошкент вилояти

Бўлинмадан ташаббус

СОВРИНГА — СПОРТ МАЙДОНИ

Чирчиқда бу каби ноанъанавий хайрия тадбирларига тез-тез гувоҳ бўлиш мумкин

Бугунги кунда нафақат вилоят, балки республикамиздаги йирик саноат шаҳарларидан бири саналган Чирчиқ шаҳрида 44 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд.

Маълумки, ҳозирда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириб бориш мақсадида тизим ходимлари учун махсус ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Шу боис, шаҳарчадаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг билим ва малакасини оширишни кўзда тутиб, ҳар уч ойда ўқув-амалий семинар машғулотлари ташкил этиляпти. Шунингдек, маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда маҳаллаларда маънавий тарғибот ишлари ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, яқинда шаҳардаги "Меҳрибонлик" уйи ҳамда 23-махсус мактаб-интернатда болалар билан учрашувлар ташкил қилинди.

"Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинмаси ҳам алоҳида ташаббуслар билан чиқиб, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллаларда тозалик ва озодаликка эришиш борасида талай ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, яқинда жамғарма бўлинмаси томонидан шаҳар миқёсида "Энг намунали маҳалла", "Энг намунали ҳовли" кўрик-танловлари ўтказилди. Ғолиб маҳаллалар ҳудудида эса спорт майдончаси қуриб бериладиган бўлди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан бир нечта кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, 100 нафар ўзгалар парваришига муҳтож қарияга хайрия ёрдами кўрсатилди. Бир гуруҳ ногиронларга ногиронлик аравачалари, таянч ва эшитиш мосламалари топширилди. ЎзЛиДеП шаҳар кенгаши билан биргаликда бир нечта болакайларнинг суннат тўйи ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида 7 та ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

— Йил давомида амалга ошириладиган ишларимизнинг салмоғи катта, — дейди "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Дилбар Пўлатова. — Ёш оилалар ўртасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйганмиз. Президентимизнинг Фармони асосида 30 ёшгача бўлган оилалар рўйхати тайёрланиб, шаҳардаги банк бўлимларидан 5 тасига тақдим этилди. Мақсадимиз — уларни уй-жой билан таъминлаш учун ипотека кредитларини олишига кўмаклашиш. Бу эса аҳоли турмуши фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

Жиззах вилояти

ҒАЛЛАКОР ОҚСОҚОЛ

у ғалла етиштириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилиш билан бирга, маҳалладошларини нонни исроф қилмасликка ҳам ундаб келяпти

Рашид Золов асли Фориш туманидан. У Жиззахга тақдир тақозоси билан келиб қолди, шу ерда бахтини топди. Ғаллаоролдаги Республика ғаллачилик илмий текшириш институтида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўзининг изланувчанлиги ва салоҳияти туфайли илмий ходимликдан институтнинг эксперименталл уруғчилик базаси директорлиги даражасигача кўтарилди. Рашид аканинг ғалла ва бедани алмашлаб экиш орқали ҳосилдорликни ошириш борасидаги тажрибалари қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Рашид ака истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ 200 гектар ер олиб, фермер хўжалигини ташкил этганди. Кўп йиллар давомида буғдой ва арпанинг супер уруғларини миллий асосда етиштириш бўйича иш олиб борди. Уч далали алмашлаб экишни жорий этиб, лалми ерларда ғалла ҳосилдорлигини 5-6 центнерга оширишга муваффақ бўлди. Фермер хўжалиги аъзолари ҳам меҳнатларига яраша даромадга эга бўлмоқдалар. Бугунги кунга келиб хўжалик ҳисобида комбайн, ҳайдов трактори, экиш ва юк ташиш техникалари бор. Рашид ака ўз ютуқ ва тажрибаларини бошқа фермерлар билан бажонидил ўртоқлашади, маслаҳатини аямайди.

Фермерликни икки йил бурун ўғли Шарофжонга топширган Рашид акани маҳалладошлари ишонч билдириб, Ғаллаорол шаҳридаги Жалман Муродов номли маҳалла фуқаролар йиғинига раисликка сайладилар. Ўз фаолиятини яхши уддалаб келаётган оқсоқол кунда бир марта далаларини айланиб келмагунча тинчимайди.

— Дунёдаги неъматлар орасида энг азизи нондир, — дейди Рашид ака. — Ҳақиқатан ҳам нонни етиштириш жуда катта меҳнат талаб этади. Очарчилик нима эканлигини мен яхши биламан. Шунинг учун нонни исроф қилинаётганига гувоҳ бўлиб қолсам, дилим оғрийди.

Дарвоқе, Рашид ака ўзи бошчилик қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказиладиган тадбирларда, тўю маъракаларда нафақат нонни увол бўлмаслиги, балки минг заҳматлар ва пешона тери эвазига етиштирилаётган ҳар қандай неъматлардан ҳам тежамли фойдаланилишини, исрофгарчиликка йўл қўйилмаслигини шахсан ўзи назорат қилиб боради.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

ФҲДЁ БЎЛИМИ НИКОҲДАН АЖРАТИШ ВАКОЛАТИГА ЭГАМИ?

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимлари эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича уларни никоҳдан ажратиш ваколатига эгами?

Жавоб:

ҚУЙИДАГИ УЧ ҲОЛАТДАН БИРИДА...

Агар эр-хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 43-моддаси.

Эй сиз, одамлар, эссиз одамлар!..

... Лобар Косон шаҳридаги "Наврўз" ишлаб-чиқариш ва тижорат фирмасига ишга келди-ю, келишган оператор йигит Шодиёрни бир кўришдаёқ юраги "жиз" этди. Қизнинг кўзларида чақнаган ўтни Шодиёр ҳам дарров пайқади. Дастлаб иккиси бир-бирини зимдан кузатиб юришди, кўп ўтмай эса ширин сухбат қурадиган бўлишди. Буларнинг юриш-туришидан хабар топган борки, Лобарни йўлга солмоқчи бўлди: "Оёғингни билиб бос, унинг оиласи, фарзанди бор ахир!" Лекин эс-ҳушини ўғирлатган қизгинага бу сўзлар кор қилармиди?! Афсуски, у ўзининг енгил ҳою ҳавасларини жиловлай олмади, номусу орини бой берди...

ИСНОД

нафақат пароканда бўлган оила аъзоларининг балки маҳалла-кўй аҳлининг ҳам бошини хам қилди

Кунлардан бирида Шодиёр Лобарни Касби туманидаги Қорақўнғирот қишлоғига, узоқ қариндоши Мақсуда опаникига етаклаб борди. Улар бу ерда тўрт кун яшашди. Норасмий эр-хотин ўзларича келажак ҳақида ширин хаёллар суриб, юзлаб режалар туздилар. Қариндошнинг уйида узоқ вақт туролмас эдилар, албатта. Икковлон ҳар қандай юзиқораликка чидашга келишиб, Шодиёрнинг Оброн қишлоғидаги уйига боришди. Қишлоқда "ўрмалаган" турли хунук гап-сўзларга ишонмаган, "Ғийбатчиларнинг миш-миш гапидир-да, эрим ўлдими, мен туриб, фарзандимиз туриб шундай беҳаёлик қилса", деган хомхаёлда юрган Манзура эрининг ёшгина қиз билан қўл ушлашиб келганлигини кўриб, ақлдан озай деди. Бўлди жанжал, бўлди қиёмат. Айтилмаган нордон сўз, ҳақорат қолмади. Манзура оламни бошига кўтариб, дод-вой солди. Хунук воқеадан хабар топган Шодиёрнинг ота-онаси ва раҳбари келиб жанжални бир қадар бости-бости қилишди. Лобарнинг ота-онаси қизини олиб кетишди.

Икки оилада ҳам ҳаловат қолмади. Лобарнинг отаси "Ҳаммасига сен айбдорсан, вақтида қизингнинг танобини тортишни эпполмадинг, мана оқибати" дея онасини бир калтакласа, Лобарни икки ҳисса муштлади. Манзура "Бундай шармандаликдан кўра, эрсиз яшаганим афзал" дея боласини кўтариб онасиникига жўнади. Лекин ота уйига узоқ сиғмади. Ота-онаси юракдан эмас, ноиложликдан фарзандини тирик етим қилмаслиги ҳақида минг бир насиҳат қилиб, эриникига қайтариб келишди.

Охири кўринмас ҳақоратлар, муштлашишлар, қонга беланишлардан безган Лобар ҳам яна Шодиёрникига келди. Энди бу ердаги аҳвол тасаввурга сиғмас даражада чигаллашди. Бир оила, икки хотин. Шодиёр ҳам қилиб қўйган ишидан пушаймон: қандай йўл тутишни, кимдан воз кечишни билмайди. Биров ундай, биров бундай деб маслаҳат беради. Аммо уларнинг биророртаси ҳам юз берган чигалликни еча олмайди. Кун ёришди дегунча икки хотин ёқа бўғишар, Манзура Лобарни "Шарманда, уйимдан чиқ, бало борми сенга бу ерда" деб ҳайдаб солар, Лобар эса эрталаб чиқиб кетиб кечқурун "Бу менинг ҳам уйим" дея яна пайдо бўларди. Йигит бу ғалваларга чора тополмай, кўп ўтмай ичкиликбозликка берилди. Маст ҳолда келиб, ҳар икки хотиннинг бошида ҳам калтак ўйнатадиган бўлди...

Шунча ғавғолар орасида Лобар қизлик бўлди, Манзура ҳам иккинчи фарзандига кўзи ёриди. Хонадондаги аҳвол кундан-кун одам зоти чидолмас даражада оғирлашиб борар, Шодиёрнинг ишсизлигию ароқхўрлиги дард устига чиққан чипқондек эди. Ниҳоят Манзуранинг сабр косаси тўлди. Икки боласини ташлаб, ота уйига кетиб қолди. Икки гўдакнинг хархашаси, Лобарнинг "Ҳеч бўлмаса сут топиб келинг" деб тинимсиз жавраши Шодиёрни тоза хуноб қилди. Бир куни Лобар ҳам гўдак қизчасини ташлаб кетди-қолди...

Шодиёр ҳар қанча елиб-югурмасин болаларни уддалаш қўлидан келмади. Лобарни қайтариб келди.

Бу орада Манзура эри билан ажрашиш ҳақида қатъий қарорга келиб, фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судига мурожаат қилди. Шодиёр бор аламини Лобардан ола бошлади, уни "бор отангдан пул олиб кел" деб ҳайдаса, ота-онаси "Бизни эл орасида шармисор қилган сендек қизга берадиган пулимиз йўқ, ота бўлса, боласини эпласин" деб уни эриникига қувиб соларди. Лобар икки хонадон ўртасида бўзчининг мокисидек қатнаб, сира нажот топмасди. Ниҳоят отаси: "Болангни отасига ташлаб келсанг, уйга қўяман" деб сўнгги сўзини айтди.

...Ўша кеча эр-хотин ўртасидаги жанжал саҳаргача давом этди. Шодиёр "Сени отангникига ҳеч бир ишга ярамайдиган майиб қилиб жўнатаман. Болангни ҳам ўзинг билан олиб кетасан. Уни менга сира кераги йўқ" деб Лобарнинг бошида "ёнғоқ чақди".

Калтаклардан дармонсизланган Лобарнинг кўзига бир муддат уйқу илинди-ю, чўчиб-босинқираб, терга ботганча уйғонди. Ёнига олазарак қаради, қизчаси Ойдиной ширингина бўлиб ухларди. Гўё бутун бахтсизликлар сабабчиси Ойдинойдек она унга ғазаб билан бокди. Унинг эс-ҳуши ўзида эмасди. Ўнг қўли билан гўдакнинг оғзига тармашди. Бола талпиниб уйғонди, кўзи қонга тўлган онасига "Онажон!" дея олди, холос. Онанинг қўллари гўдакнинг оғиз-бурнига маҳкам ёпишди. Гўдак жон талвасасида бироз типирчилади-ю, бир пасда оёқ-қўллари ҳолсизланиб, юзи оқариб, лаблари кўкарди. Ваҳшиёна қилмишидан баттар телбасираган она кўчага тентираб кетди...

... Қотил она — Лобар Ўриновани суд узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилди.

Лобар судда "Билмайин босдим тиконни" деди. Асло бундай эмас. У тиканга кўриб-билиб қадам қўйди. Енгилтак қиз нафақат ўз ор-номусини, балки яқинлари, ота-онаси ғурурини ҳам қора тупроққа булғади. Бир оиланинг пароканда бўлишига ҳам сабабчи — у. Оқибат эса аянчли, фожеали...

Хўш, Шодиёр-чи?! Унинг айби ҳам Лобарникидан кам эмас. Аслида уни жиноятнинг икки ҳисса сабабчиси, десак арзийди.

Шу оиланинг одамийлик талабларига зид аҳволда кун кечираётганидан маҳалла-кўй, мутасаддилар ҳам бехабар бўлишмагандир?! Қариндош-уруғлари булардан юз ўгирганда нега йиғин ходимлари вазиятга бирон чора изламадилар экан? Ахир юз берган хунук воқеалар, фожеа нафақат ноқонуний яшаган эру хотиннинг, қариндошларининг шаънига, балки улар яшаган маҳалла-кўйга ҳам иснод келтирди-ку!

Ушбу воқеа тафсилотини эшитган киши борки, ёқасини ушлаб "Аллоҳ, ҳар бир бандасини бундай кулфатдан ўзи асрасин", деб қўйиши тайин. Аслида ҳар ким иймон кучи, ор-номуси қуввати билан ўзини, атрофидагиларни бундай кулфатдан асраши лозим эмасми? Ўзини асрагани Аллоҳ ҳам асрайди, деб бежиз айтилмаган-ку...

Хайрулло КАМОЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг бош мутахассиси,
Курбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Муштарий илҳоми

САЛОМ, ТОҒЛАР!

Тонгги салом билан
тоғларимга қарайман,
Яхши ният билан
тоғларимга қарайман.
Қорлар ёғиб-ёғиб
унда тин олар,
Оппоқ либослари
унга ярашар.
Либослари каби
оқдир нияти
Инсонлари каби
покдир нияти.
Ахир бу тоғларни
боболарим кўргандир.
Момоларим дардига
дармон олгандир.
Умрлар ўткинчи
ўтиб кетгандир.
Бу тоғлар дунёга
тиргак бўлгандир.
Осмоним абадий
дунё абадий,
Бу тоғлар чаманлар,
боғлар абадий.
Умр оқаверар
дарё мисоли,
Инсонлар меҳмондир,
баҳор мисоли.
Бу тоғлар боқийдир
дунё мисоли!

Фарангиз КАРИМОВА

Сурхондарё вилояти

Ҳаёт чорраҳаларида...

МОМА, МЕН НЕВАРАНГИЗМАН...

Енгил машинада қишлоқнинг чанг кўчасидан боряпмиз. Машина қанчалик секин юрмасин, чанг машинанинг ойнасигача кўтарилади. Куз ўзи шунақа.

Итлар гир айланганича суйлоқ тишларини кўрсатиб ириллайди. Тупроққа беланиб, "уйча-уйча", "меҳмон-меҳмон" ўйнаётган болакайлар, оёқяланг юраверіб кузги тупроқдан оёғининг тўпиғигача тарс-тарс ёрилган қизчалар кўрсатгич бармоғини хиёл анграйганга оғзига солиб, ажабланиб қарайди. Машина ойнасидан уларга қўл силкиймиз. Бизнинг хайрихоҳлигимизни кўриб, ўйинқароқ болалар машинамиз орқасидан югуриб қолишади.

Итларни атрофимизга айлантириб олганимиз учун уйлардан одамлар чиқиб, "Булар ким бўлди экан?" деган ўй билан кузатишяпти. Чунки қишлоққа бегона машина оралаб қолгани уларни қизиқтиради: "Кимникига келди, нимага келди, тинчликмикан?.."

Ҳайдовчига "ўнгга, чапга, тўғрига" деб йўл кўрсатиб боряпман. Тор кўчадан эшак минган болалар қўй ҳайдаб чиқиб қолди. Биз тўхтадик. Қўйлар машинани ҳидлаб кўради. Чангда ҳеч нарса кўринмай қолди. Фақат чўпон болаларнинг "ҳай-ҳут" қилиб қўйларига бақирганини эшитиб турибмиз.

Қўйларни ўтказиб, йўлда давом этамиз.

— Ҳув анави кўринган уйга, — деб ишора қиламан. Бир отахон томнинг соясида чойнакни бостириб, тасбеҳ ўгириб ўтирибди. Саломимга бош иргаб алик олди. Чамамда мени яхши танимади. Йўқса, "Ҳа, Николай, келдингми?! Чой ичиб кет", дея бақириб қолган бўларди.

Бу кўчадан жуда кўп юрганман. Ҳар келганимда отахон имлаб чақириб оларди-да:

(бадиа)

Кимнинг ўғлисан? — деб сўрарди. Жавоб қайтараман.

— Ҳа-а, Николаймисан?! — дейди у.

Гўдаклигимда сочим сап-сариқ бўлгани учун шундай лақаб қўйиб олишган. Аввалига жаҳлим чиқарди, бора-бора кўникиб кетдим. Чол менга иккита ёнғоқ берарди, кўп ҳам, кам ҳам эмас.

Кекса тутнинг тагида машинамиз тўхтайди. Дарахтнинг барглари сарғая бошлаган.

Момом уйдан отилиб чиқади. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, ҳали суяги енгил. У қўлини соябон қилиб, кўзларини қисганча, бизга қараб турди. Кутилмаган ва нотаниш меҳмонлар уни таажжубга солиб қўйган эди.

— Мома, менман, неварангиз...— дейман.

— Эй, Николаймисан?! Айланай, болам, — момом мен томон югурди. Кучоқлаб, пешонамдан ўпди. У анча вақт бағрига босиб, қўйиб юбормади. Мен ҳам соғиниб кетган эканман.

— Онанг яхшими? Даданг, акаларингчи? Гурсиллаб ишлаб юришибдими?

— Сизни кўриб кетишга онам жўнатди. Айтишича, менга деб бир халта ёнғоқ йиғиб, қуритиб қўйган эмишсиз, — дея ҳазиллашаман. У жуда содда. Гапларимни чиппа-чин деб қабул қилади.

— Айланай, ўзи ярим халтагина бор. Майли, сен учун... — гаплари дилдан чиқади момомнинг. У ҳайдовчи ва бошқа меҳмонлар билан саломлашиб, ўзи умуман танимаса-да, уларнинг ота-онаси-ю, қариндош-уруғларигача қолдирмай, соғлиғини сўраб чиқади.

Онам бериб юборган совға-саломларни бир кучоқ қилиб момомга тутқазаман. Қувониб кетганидан ўзини қўярга жой тополмай қолади.

— Ўргилибгина кетай, — у темиртак қўллари билан елкамга қоқиб, пешонамдан қайта-қайта ўпади. — Вой, эсим курсин, бобой, бобой, — у уйга кириб, бувамни айтиб чиқади. — Николай келди, сизнинг ётишингизни қаранг.

Бувам туртиниб, эшикдан чиқади. Қўшқўллаб саломлашаман.

— Яхшимисан, болам? — "Ҳа" деб жавоб қиламан. — Яхши бўлсанг, бўлди, — у эшикнинг ёнига чўққайиб ўтирганча, бир менга, бир момомга, бир машинамизга қараб қўяди.

Шаҳарга — ўқишга жўнашим олдидан хайрлашиб кетишга келганим ва шошилаётганимизни айтиб, дуо беришларини сўрадим. Момом "Энди олдингидай ётиб кетишга вақтинг ҳам йўқ, болам!" дея ошхонага йўрғалади. У ердан яримлаб тўлдирилган халта кўтариб чиқди. Бояги ҳазилим учун энди пушаймон бўламан. Эътироз билдиришимга қарамай, халтани машинага юклайди. Мен қайтариб олиб, ярмини супанинг устига тўкдим.

Улар менга оқ йўл тилаб, дуо қилишди. Бувам бошқа ҳеч нарса демади. Момомнинг бўғзига йиғи тиқилганидан, гапиролмай қолди.

Машинага чиқдим. Барглари сарғайиб қолган кекса тут, бувам, момом... ғалати бўлиб кетаман. Ишончим комил, уларнинг хаёлидан қайта кўришиш маҳол экани ҳақидаги ўй ўтяпти. Маюс тортиб қолдим. Биттагина ҳазилим билан бисотидаги бор ёнғоқни чиқариб берган момом, эшикнинг ёнида чўққайиб, ўзининг ёшлигигами ёки менинг кечагина муштдай бола эканимга хаёли кетганча, сукут сақлаган бувам кўз олдимда жонланаверади...

— Николай, Николай...

Сояда ўтирган отахон чақиряпти. Атрофда юрган болалар айтишганми, кимлигимни билиб олибди. Машинадан тушиб, тупроқда оёқларимни авайлаб босганча, унинг ёнига бордим. Дилдан сўрашдик.

— Кап-катта бўп қопсан-ку, Николай, — отахон оғзининг бурчак-бурчагида қолган яккам-дуккам тишларини кўрсатиб кулади. — Энди сенга кўпроқ ёнғоқ олиб қўйганман, — у ёнғоқ билан тўлдирилган телпакдек тугунча берди. Хайрлашиб кетаётганимда, — Ҳеч кимга бермасдан, ўзинг егин, — деб орқамдан бақирди.

Энди йўл бўйидаги болалар ҳам, аккиллаб, машинанинг атрофида гир айланаётган итлар ҳам диққатимни тортмайди. Юрагим ўзгача ғурур ҳиссини туйгандек бўлди. Ҳа, мен бир бурда нонини ўзи емай боласига тутган мана шу оққўнгил инсонларнинг фарзандиман! Бир куни менинг фарзандларим ҳам шундай ҳисни туйишини жуда хоҳлайман...

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда кайфиятингиз бироз тушкун бўлиши мумкин. Бироқ бу ўйлаган ишларингизни тўлиқ амалга оширишингизга тўсқинлик қила олмайди.

СИГИР(22.04-20.05)

Енгилтаклик билан иш қилиш яхши натижа бермаслигини била туриб, яна шундай йўл тутишдан сақланинг. Дам олиш кунлари меҳмон кутишга ҳозирлик кўриб қўйинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Шу кунларда сизга ҳамкорлик юзасидан бўладиган янги таклифларни дарҳол рад этмаганингиз маъқул. Уларни аввало яхшилаб ўрганиб, кейин бир хулосага келинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Мазкур бурж вакиллари айни кунларда ўзларини ёлғизланиб қолгандек ҳис қилишлари мумкин. Бундай ҳол ўткинчи бўлиб, ундан муаммо ясаш шарт эмас.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Молиявий соҳада анча омадли келиши кутилаётган ушбу кунларда сиз асосий эътиборни олинадиган даромаддан имкон қадар унумли фойдаланишга қаратинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Айни кунларда малакангизни ошириш учун қулай имконият туғилиши мумкин. Жума куни эса атрофдагилар билан муносабатда вазминроқ бўлганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларингиз шу кунларда ечим топиши кутилмоқда. Ҳужжатларни расмийлаштиришда эътиборлироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шахсий ҳаётингиздаги ўзгаришлар айни кунларда сизни янада масъулиятлироқ бўлишга ундайди. Бўш вақтларингизда яқинларингиз ҳолидан хабар олинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Яқин кунларда меҳнаткашлигингиз ва ишга сидқидилдан ёндашишингиз ўз самарасини бериши кутилмоқда. Оилавий можароларни ижобий ҳал қилишга одатланинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Айни кунларда асабларингиз анча толиққан. Шу боис дам олиш кунлари оила аъзоларингиз ёки дўстларингиз билан мириқиб дам олишга ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Фарзандлар тарбиясига бефарқлигингиз боис шу кунларда оилангизда зиддиятлар келиб чиқиши мумкин. Режалаштираётган хизмат сафарингизни бироз кейинга қолдиринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Моддий жиҳатдан шу кунларда бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Уларни ҳал қилишда ўз кучингизга таянган ҳолда иш тутинг.

Ёшларимиз ҳаётидан

ДИЛДОРАХОН — ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ва билимини, интеллектуал салоҳиятини ошириш Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан.

Бунга эришишда, шубҳасиз, китобнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, аҳоли, жумладан, ҳарбийлар ўртасида китобхонлик ва мутолаани рағбатлантиришга тобора эътибор кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан 2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови айни мақсадга — ҳарбийларимизнинг тафаккурини бойитиш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ўқиш ва ўрганишга қизиқишини орттириш ҳамда кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Мазкур уч босқичли тадбирда офицерлар, сержантлар, муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этмоқда.

Жорий йилдаги танловнинг Марказий офицерлар саройида ўтган якуний босқичида қуйи бўғинларда ғолиб чиққан тўққиз нафар иштирокчи қатнашди. Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, оддий аскар Дилдора Каттабоева "Энг яхши китобхон" деб топилди. Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги ҳарбий хизматчиси, капитан Мухторжон Курбонов иккинчи, Тошкент гарнизони ҳарбий хизматчиси, оддий аскар Дилафруз Ҳолиқова учинчи ўринни эгаллади.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Сирдарё вилояти

Гулистонлик Гулчеҳра Маматқулова амалий санъатга меҳр қўйган ёшларимиздан. У ижодкорлиги, меҳнатсеварлиги боис бу борада бирмунча муваффақиятларга ҳам эришиб улгурган: Гулчеҳра амалий санъат йўналишидаги турли нуфузли кўргазма ва танловлар иштирокчиси. У ўзи истиқомат қиладиган Уч қаҳрамон маҳалласидаги тенгдошларига ҳам ҳар жиҳатдан ўрнак бўлмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Донолар бисотидан

ИНСОН ВА УНИНГ ТАБИАТИ ҲАҚИДА

Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам ўзгартира олмайдиган одамлар энг олижаноб инсонлардир.

АРАСТУ

Мукаммал маънавий сифатлар эгаси ҳеч нарсага эга бўлмайди. Бундай улуғ инсон ҳатто ўзидан ҳам маҳрум.

Чжуан-ЦЗИ

Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлида давом этавериши — ақлсизлик.

ЦИЦЕРОН

Инсон табиати аслида олий фазилатлар мажмуасидир. Унинг табиати ўз ибтидосида заррача ёвузликдан ҳам холи бўлган.

Ван-ШОУЖЕН

Спортчиларимиз довруги

Вакилларимиз ҒОЛИБ бўлишди

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган эркин ва юнонрум кураши бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик курашчилар келаси йили Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун курашди.

Эркин кураш беллашувларида 96 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Қурбон Қурбонов македониялик В.Богданов, канадалик Д.Зилберманн, озарбойжонлик К.Газюмовни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди.

Энг оғир вазн – 120 килограмм вазнли полвонлар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Олимпиада ўйинлари ва икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазов ҳам ярим финалгача руминиялик Р.Чинтоанни, чехиялик Д.Валани, эронлик В.Масумийни, мезбонлар вакили А.Исаевни мағлубиятга учратди.

* * *

Жанубий Кореяда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатида моҳир спортчимиз Вадим Миньков 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган пойгаларда барча рақибларини ортда қолдириб, терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт олтин медаль тақдим этди.

Хотин-қизлар ўртасида 15 километрга ўтказилган пойгада эса Ксения Прилепская ҳамда Мария Михеда дуэти шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

* * *

Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалар тақвимидаги "NBU Cup-2007" халқаро турнири якунланди.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган иқтидорли теннисчилар иштирок этган халқаро турнирнинг ўсмирлар ўртасидаги финал беллашуви ўзбекистонлик теннисчилар – Рифат Биктяков ва Роман Пифтор ўртасида бўлди.

Қатор халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, катта тажриба тўплаган Рифат финалдаги рақибини 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа ғолиби бўлди.

Альбина Хабибулина эса Алиса Огородова билан бирга жуфтликлар ўртасида мусобақа ғолиби бўлди. Теннисчиларимиз финалда беларуслик жуфтлик — Алёна Герасимова ва Полина Пеховага ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6:0, 6:0.

ЎзА

Ғаройиботлар олами

"Ўргимчак одам"

Дунёдаги энг баланд биноларни забт этиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатган Ален Робер илк бор 1994 йилда Чикагодаги осмонўпар бинолардан бирини забт этган эди. Ҳозирда Робернинг эришган марралари қаторидан жами 70 та ана шундай бинолар ўрин олган.

Француз альпинистининг бу каби намойишлари албатта кўпчиликнинг эътиборини тортади. Аксарият ҳолларда, масалан, 2001 йилда Франциянинг 190 метр баландликдаги TotalFinaElf нефт ишлаб чиқарувчи компанияси бош офисини ва 2004 йилда Париждаги 200 метрлик Монпарнас минорасини забт этганида ҳукуматдан рухсат олмаганлиги учун Робернинг бундай ҳатти-ҳаракатларига полициячилар томонидан чек қўйилган. Франциянинг фахри саналмиш Эйфель минораси ҳам унинг эътиборидан четда қолгани йўқ.

Альпинист эришган марралар орасида Нью-Йоркдаги Empire State Building, Сан-Франциско-даги "Олтин дарвоза" ҳамда Гонконг, Мехико, Шанхай, Абу-Даби ва Киев каби шаҳарлардаги дунёга машҳур осмонўпар бинолар ҳам бор.

2003 йилда Робер Лондондаги Lloyds биносини забт этди. 2004 йилда эса дунёдаги энг юқори бинони бошқараётган компания француз альпинистига Тайвандаги баландлиги 508 метрни ташкил этадиган Taipei биносини забт этишни таклиф қилди. Робер бу ишни тўрт соат ичида уддалади.

Баъзида альпинистнинг кўзлаган мақсадга эришишига маҳаллий ҳокимият органлари ҳам тўсқинлик қилишади. Мисол учун, Сингапурдаги 280 метрлик Overseas Union Bank биносининг 21-қаватига чиққанида уни тўхтатишди. 1997 ва 2007 йилларда Робер Куала-Лумпурдаги Petronas Towers эгизак биноларга чиқишга ҳаракат қилган. Бироқ икки сафар ҳам уни полициячилар 60-қаватга етганида ортга қайтишга мажбур қилишган. Шунга қарамасдан, альпинист яна кўплаб осмонўпар биноларни забт этиш ниятидан воз кечмоқчи эмас.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Утерянный диплом № КТ-1-237819 (Рег.№ 2655) выданный 02.07.1991г. Машиностроительным техникумом Хамзинского района на имя Ким Артур Анатольевича считать не действительным.

Утерянный кадастровый документ № 2778068770 на землю выданный 28.07.2006г. СП "JiSong Korea Industrial" г.Ташкента Хамзинского района считать не действительным.

Эълонлар ...

"Muborak ONA" хусусий корхонаси ўз устав фондини 2551830 сўмдан 925665 сўмга камайтиришини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Оқтепа мавзеси, 5-уй, 2-хонадон.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда КОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 26 сентябрь
39 (589)

11168 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 Топширилди — 23.10
2 3 4 5 6